



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 17 май, чоршанба

№37 (11.222)

Эркин нархда сотилади

«ЎЗТЕМИРЎЎЛМАШТАЪМИР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!
«Ўзтемирўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчиларини, кўп миллатли меҳнат жамоасининг барча аъзоларини шонли сана – Тошкент Тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллиги муносабати билан сидқидилдан муборакбод этаман.

Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Сизларнинг заводингиз ўзининг бир асрлик тарихида шонли йўлни босиб ўтиб, қудратли салоҳиятга эга замонавий корхонага айланди.

Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги шaroитда бирлашма ишлаб чиқариш ҳажмларини изчил суръатда ошира бориб, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида Сизлар илгари мамлакатимиз ташқарисидагина амалга ошириш мумкин бўлган иш – локомотив ва вагонларни таъмирлашнинг янги ҳақиқатини ўзлаштирдиган. Бу билан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва бошқа давлатлар темир йўлларининг ҳаракат таркибини янгилаш ва-зифалари муваффақиятли бажарилмоқда.

Жамоа эришяётган натижалар ишга ижодий муносабатнинг, жаҳон даражасидаги илғор технологияларни ишлаб чиқиш, тақомиллаштириш ва янгилашга, ҳорижий сармояларни жалб этишга қаратилган илҳомбахш бунёдкорлик меҳнатининг ёрқин намунасидир. Бирлашма таркибиде Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити иштирокида энг замонавий электровоз таъмирлаш заводи қурилиб, фойдаланишга топширилиши корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларини янада юксак босқичга кўтарибди, ривожланиш ва ҳорижий бозорларни ўзлаштиришнинг янги истиқболларини очди.

«Ўзтемирўлмаштаъмир» бирлашмасида корхона меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза этишни яхшилаш, уларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур шарт-шaroит яратиб бериш борасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, меҳнатда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга фаровонлик ва бахт-саодат тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Пойтахтимиздаги маҳаббатли «Туркистон» саройида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг вилоятимиз бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда 30га яқин янги қўшиқлар тингланди, эндигина сахнага қадам қўйган янги қўшиқ ижрочилари қашф этилди.

Ватан ҳақида ёниб куйлаш, унинг борлигига, мавжудлигига шукроналар айтиш, Ватанимиз фаровон турмуш тарзини чиройли ташбеҳлар, дилрабо оханлар ва ифодаларда қўшиқ шинавандалари қалбига етказиш, албатта, осон иш эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, танловда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан тасвир этилган ҳудудий босқич қўлиблари ўзаро беллашдилар.

Таниқли бастакорлар Э. Марк Солиқов, Бахтиёр Алиев, Карим Азизов, Аваз Мансуров, Феруза Абдурахимо-

Ўзбекистон қўшиқ байрами МУМТОЗ БИР ҚЎШИҚ ИЗЛАЙМАН...

ва, қўшиқчи шоирлар Нормурод Нарзуллаев, Маҳмуд Тоировлардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати якуний босқичга тасвир этилган қўшиқларни ҳолис баҳоладилар.

Танлов якунига кўра оламлик Дилноза Исмиёминова зўр маҳорат билан ижро этган «Ўзбекистон» қўшиғи биринчи ўрин ҳамда биринчи мукофотга лойиқ деб топилди. Энди Дилнозахон вилоятимиз номидан «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика кўрик-танловида қатнашиб, ўз омадини яна бир бор синаб кўриш иқтидорига эга бўлди.

Букалик ҳушовоз хонанда Ориф Оминов ижросида янраган «Ўзбек бўлиб» қўшиғи нафақат бу ерга келган шинавандаларни, балки ҳайъат аъзоларининг ҳам эътиборини ўзига жалб қилди.

Бу қўшиқ ҳам энг сарғин сарғин қўшиқлардан бири сифатида иккинчи мукофотга лойиқ деб эътироф

этилди. Яна икки иштирокчи — вилоят педагогика билим юрти хор жамоасининг «Қўшиқ айтсан» ва янгийўллик Ваҳожон Охунов бошчилигидаги «трио» ижро этган «Саркарда отининг дупури» қўшиқлари ҳам иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Мукофотли учинчи ўрин Бекобод шаҳридан Зойиржон Юсуповга «Юртим олис», Тошкент туманидан Наргиза Исаевага «Ўзбегим», ҳамда вилоят услубият ва маданият маркази ходими Гулноза Ҳасимовага «Ўзбекистон» қўшиқлари учун насиб этди.

Шунингдек, ангрелик Алишер Ҳамроев, юрчириччиқлиқ Ада Ким, Нурхон Тўрақулова, Аширмат Мусаев, қиберайлик Миржид Мирқомиллов ҳамда Бўстонлиқ туманининг «Қизил чинчил» хор жамоалари рағбатлантирувчи мукофотлар эгаси бўлишди.

Вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев қўлиб Д.Исмиёминова; Ў.ўрин соҳиблари В. Охунов бошчилигидаги «трио» жамоаси қўшиқ қўйламоқда.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Шавкат ТУРОБ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танлови якуний босқичи қўлиб Д.Исмиёминова; Ў.ўрин соҳиблари В. Охунов бошчилигидаги «трио» жамоаси қўшиқ қўйламоқда.

Даврон АХМАД олган суратлар.



В. ПУТИННИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлифига биноан шу йилнинг 18-19 май кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки кунлик амалий таширф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Вилоят ҳаёти

УСТОЗЛАР ШОҲСУПАСИДА УЧИНЧИ

Ангрелик Зарифа Шокирхонова республикаимиздаги йилнинг энг яхши уч қўшувчисидан бири деб топилди

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги Қонун, Соғлом авлод давлат дастури, давлат таълим стандартлари ҳамда янги педагогик технологиялар... Буларнинг барини ҳаётга тадбиқ этишда фаоллик ва ташаббускорлик билан ишлаётган, бошқаларга ўрнак бўла олувчи муаллимлар қанчалик? Кимларнинг йўл устоз сифатида алоҳида фахр билан намуна қилиб қўйиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «2000 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови айнан мана

шу мақсадда ташкил этилган эди. Унинг сўнгги босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўн тўрт ўқитувчи қатнашди. Кенг қамровли ушбу тадбир якунларига кўра, энг муносиб уч педагог соҳиринли ўринларни эгаллашди. Улар орасида вилоятимиз вақиласи — Ангрелик Зарифа Шокирхонова ҳам бор. У фахрли ўринга қўлиб сазовор бўлди.

Ҳаётнинг энг яхши ўқитувчиси гувоҳномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ЧИННАКАМ ҒАМХЎРАНК ДЕСА АРЗИЙДИ

Янгийўл шаҳридаги «Меҳрибонлик» чойхонасида 300 нафарга яқин ўруш ва меҳнат фахрийлари Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган фойдаланиш дастурхон атрофида тўпланишди. Уларни шаҳар ҳокими Шўҳрат Қорабоев самимий қутлади.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тўтган бу отахонлар даврасида сузга чиққанлар ўруш қўрбонлари номини ёдга олдилар. Оловли жанглардан омон қайтганларга энг яхши тилакларини билдирдилар.

Кексалар бу анжуманда



яна бир ҳушхабарнинг гувоҳи бўлишди. Янгийўл тумани ҳокими муовини Азим Жўраев Абдулла Ортиқов номли ширкат ҳўжалигидан икки гектар майдон шаҳарлик нуриойилларга ажратилганлиги тўғрисида туман ҳокимининг қарорини қўйиб эътиртди. Фахрийларга турли совғалар ҳам топширилди.

Арофат РАЗЗОҚОВА.

ТАРБИЯ БОРАСИДА САБОҚ



Вилоят «Саломатлик» маркази «Соғлом авлод йили» давлат дастури амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Марказ ходимлари

уштираётган тадбирлар кўпчилида қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, Тошкент метрополитенининг 60дан ортиқ оила истиқомат қилаётган ётоқхонасида ташкил этилган давора суботи «Соғлом авлоднинг қандай тарбиялаш керак?» мавзусига бағишланди. Уни марказнинг бош шифокори Назира Бахромова олиб борди.

Ақбар АЛИЕВ.

«ЭВО-ГРИН» ВА «МУЗКАЙМОҚ» ХОМИЙЛИГИДА

ОҚҚЎРҒОН тумани хотин-қизлар кўмитаси ташаббус билан марказий ороғода 150 нафар етим-есир болалар учун дастурхон ёзилди. Тадбирда қўй-қўшқилар янграб, болалар мириқиб рақсга тушдилар. Рақсда фаол қатнашганларга совға-саломлар улашилди. Шунингдек, кам таъминланган 52 оилага бир қондан ун тарқатилди.



Тумандаги «Эво-Грин» хайрия жамғармаси ва «Музкаймоқ» номли байрамни ўтказишга ҳомийлик қилди.

С. САРИМСОҚОВ,
Ф. АҲМЕДОВА.

ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Шу йил 21 май

якшанба кuni вилоятимиз вақили, республика чемпиони «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида

«Турон»ни қабул қилади. Учрашув соат 17.30да бошланади.

Мухтарам футбол мухлислари, «Дўстлик» уйингоҳига марҳамат қилинг!

ҲОКИМЛИККА ХАТ КЕЛДИ...

ХОНАГА кириб келган аёлнинг кўзлари қизарган, нигоҳи хорғин эди. Утирганлар билан салом-алиқдан сўнг у «Ариза топширадиган жой шу ерми?», деб сўради.

— Шу ер, беамалол ўтириб олинг, — дея жой кўрсатди вилоят ҳокимлиги девонхонасининг гўрху раҳбари Мавлуда Эгамназарова, унга бир пийла чой узатиб.

Аёл бироз нафасини ростлаб олган, Оққўрғон туманининг «Озо» ширкат ҳўжалигида яшаши, исми шарифи Назокат Жалолова эканлигини айтиб, асосий мақсадида ўтди. У фермер бўлиш истагида бундан уч йил аввал ҳўжалик раисидан ўн гектар ер сўраганлиги, аммо илтимоси қондирилмай, бошқарув идораси билан туман ҳокимлиги ўртасида сарсон бўлганлигини кўйиниб гапирди. Кейин «Ана шулар ҳақида ёзиб келувдим», деб қўлидаги конвертни узатди.

М. Эгамназарова хатни ўқиб кўрган, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, оғзаки мурожаатлари билан ишловчи етакчи мутахассиси Мукаддас Оқилова махсус дафтарга муаллифининг турар-жой манзили, хатнинг қисқача мазмуни ва у олинган санани қайд этиб қўйди. Биз девонхонада ана шу шикоятга дахлдор бошқа ҳўжатлар билан танишар эканмиз, бу ёзишмалар орасида Назокатнинг қайнонаси Ўлжабой Жалоловдан келган яна бир хатга қўшимиз тушди. Унда ўруш қатнашчиси, 1-гўрху ноғирони бўлган бу отахон ўн фарзандини оёққа қўйганлиги, уларнинг ҳаммаси ишга яроқли эканликлари, шунинг учун оилавий фермер ҳўжалиги тузмоқчи бўлганликлари, аммо туман ҳокимлиги раҳбарларига қилини ва ўзи қайта-қайта қилган мурожаатлари натижа бермаганлиги ёзган эди. «Тумандаги бошқалардан наот бўлмагач, вилоят ҳоким-

рожаатлари тўғрисида»ги қонунда «Аризаларни кўриб чиқиш ўз вақолатига қирадиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, уларнинг мансабдор шахслари, мулкчилик шаклидан қатъий назар қорхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари хат ва аризаларни ҳар томонлама ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари, қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари, аризаларнинг кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шарт», деб аниқ-равшан қайд қилинган.

Аммо, кўпгина шаҳар ва туманларда бу қонунга тўла риоя этилмайди, деб бўлмади. Бўка туманининг 50-мактабидеги бир гўрху ўқувчилардан вилоят ҳокимлигига келган шикоят бунга яққол мисол бўла олади. Хатда ёзилишича бу йил қишда синф хоналари совиқ бўлганлигидан ўқитувчилар ўқувчиларга бир неча бор уйларида жавоб бериб юборишган. Айрим муаллимлар эса совуқлиқга қолмаслик учун болаларга уйларидадан таппи олиб келишни буюришган. «Бу ҳолда биз қандай қилиб чўқур билим олишимиз, олий ўқув юртиларига киришимиз мумкин?», деб ҳақли савол қўйишган болалар ўз хатларида. 27 нафар ўқувчи имзо чеккан бу шикоятнинг бир нусхаси Президент девонига ҳам йўлланиган.

Савол туғилади. Ахир мактабни иситиш муаммоси тўғрисида мактаб жамоаси туман ҳокимлигига, халқ таълими бўлими раҳбарларига бир неча бор мурожаат этган эди-ку! Нега ўқитувчилар, ўқувчилар илтимослари мутлақо эътиборсиз қолди? Жуда бўлмаса хурмат юзасидан мактаб жамоасига жавоб

қилиб қўйилганда ҳам майли эди. Йўқ, бўқалик жаноб раҳбарлар бундан ўзларига лозим қўришмади. Бу чиндан ҳам ажабланарли эмасми? Вилоят ҳокимлигида бу хат юзасидан зудлик билан текшириш ўтказилиб, ҳозирги пайтда ўқувчилар аризалари ижобий қондирилган ва уларга тегишли жавоб қилинган. Бошқача айтганда шикоят қонунда кўрсатилган 1 ой муддат ичиде ўз ечимини топган.

Маълум бир муаммо бўйича вилоят ҳокимлигига ёзма ва оғзаки мурожаат қилаётганлар кўп холларда раҳбарларнинг ўзларига менсимай қараётганликлари, «Қўлингдан нима келадими» қабилида сўзлаб,

ориётларига таъбиқатчиликлар тўғрисида ҳам алам ва изтироб билан ёзмоқдалар. Юқоририччиқ туманининг Кирсадоқ қишлоғидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси Раъно Ўнгалбекова бизга шундай хатда дуч келганини қўида ёш билан сўзлаб берди. Муаллима ўзи истиқомат қилаётган маҳалладаги 50га яқин хонадон соҳиблари номидан бундан 4 йил аввал «Гулистон» жамоа ҳўжалиги раҳбарларига газлаштириш хусусида ҳам ёзма, ҳам оғзаки мурожаат қилган. Ҳўжалик мутахассислари маълум даражада маҳалланинг кумагида бу ишга киришмоқчи бўлишган. Аммо, ваъдалар оғизда қолиб кетмагач,

ўқитувчи тўрт йилдан буюн хали ҳўжалик идорасига, хали ҳокимиятга югурди. Натижа эса йўқ. Шуниси қизиқки мутахассислар маҳалла аҳлининг хатига жавоб ҳам беришмаган. Бунинг устига «Арганичи» қишлоқ фуқаролар йигини оқсоқоли, жаноб Қўтиббой Тўшпулатов маҳалладагиларни тўплаб, бу хали-вери бўладиган иш эмас, «ёзувчи» ёзаверади-да деб муаллимани

кўпчилик орасида қамситган. Бугдой нонинг бўлмаса ҳам бугдой сўзинг бўлсин, дейди халқимиз. Авваламбор Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига кўра бу маҳаллани газлаштириш мақсади имкон даражасида ҳал этилиши керак эди. Бордию, тўрт йил ичиде ҳам бунинг иложи топилмаган бўлса, унда хат муаллифига қонун бўйича жавоб қилиниши зарур эди-ку, ахир. Афсус, мутасадди кишилардан бундай жавоб ололмагани учун Р. Ўнгалбекова вилоят ҳокимлигига келишга мажбур бўлди.

Шуни айтиш керакки, йил бошидан буюн вилоят ҳокимлигига фуқаролардан 395та хат ва ариза келган, 222 нафар киши бу ерга оғзаки мурожаат билан келган. Уларнинг аксарияти қондирилди. Ана шу хатлар таҳлил этилганда қайси шаҳар ёки туманда меҳнатқашлар аризаларига эътибор бўлса, шу жойлардан юқори идораларга йўлланган хатлар сони қанчалик ва аксинча, қандайдик ҳўкм сурган ҳудудларда эса улар қўлайгани яққол кўзга ташланади.

Хусусан, худди шундай муносабат туғайли бу йил Чирчиқ шаҳридан, Ўртачирчиқ, Зангиота, Тошкент туманларидан вилоят ҳокимлигига хатлар қўлайди. Шикоят эгалари бу жойларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ёмонлиги, маҳаллаларда ичимлик сувининг йўқлиги, кишиларнинг уй-жой шaroитларини яхшилашга, ёшларни иш билан таъминлашга эътибор сўзлаб, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ муаммолар талаб даражасида ҳал этилмаётганлиги ҳақида ёзганлар. Шу йил бошидан буюн Чирчиқ шаҳридан уй-жой шaroитини яхшилаш бўйича вилоят ҳокимлигига 18та шикоят келди. Таҳлиллар моддий ёрдам кўрсатиш

Сайдали ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Кўпчилик шаҳарлар, туман марказлари, қўғонлар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг бош режалар эскириб қолди. Улар аллақачонлар муддатидан ўтиб кетган. Оқибатда ақсарият жойда бош режалардан ташқаридаги майдонларда қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Бунинг давом этишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Шаҳарсозликда ҳам қатъий режа бўлиши ва унга амал қилиш лозим. Шаҳарлар ва туман марказларини ривожлантиришнинг 15-20 йилга мўлжалланган аниқ дастурлари бўлиши талаб этилади. Бунинг устига улар замонавий талабларга ва миллий анъаналарга жавоб бериши лозим.

Шунинг учун ҳам республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан кенг жамоатчилик, айниқса, шу соҳа ходимлари катта мамнуният билан қутиб олдилар. Бу фармон капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш фаолияти даражаси ҳамда сифатини ошириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари қурилишини замонавий талабларга ҳамда миллий анъаналарга мос келадиган тарзда комплекс ривожлантиришни таъминлаш, архитектура-шаҳар қурилиши соҳасидаги қимматли меросни сақлаш ва авайлашга қаратилгани билан аҳамияти беқиёсдир.

Шу фармон бўйича Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида архитектура-шаҳар қурилиши кенгашининг ташкил этилиши аниқ муддат бўлди. Бу шаҳар қурилиши ва архитектура бўйича масалаларни ҳал қилишга катта аҳамият берилаётганлиги, аниқ вақтда мутасадди ташкилотларнинг масъулияти оширилаётганлигидан далolat беради. Кенгашнинг вазифалари аниқ кўрсатиб берилган. Замонавий талабларни, миллий ва меъморий-маданий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда шаҳар қурилиши ва архитектуранинг янада ривожлантириш концепциясини ҳамда дастурларини шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни ташкил қилиш, шаҳарлар ва туманларнинг марказларини, архитектура комплексларини режалаштириш ва барпо этиш лойиҳалари бўйича танловлар ўтказиш шулар жумласига кирилади. Архитектура ва лойиҳа фаолиятида бозор муҳитини тобора шакллантириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш, архитектура ва шаҳар қурилиши соҳасида шартномавий муносабатларни мустақамлаш ва ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳам унинг муҳим вазифаларидан бири деб белгиланган.

Шаҳарларнинг бош режаларини кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш, уларнинг амалга оширилишини, архитектура-режалаштириш ҳужжатларига, гоёт муҳим шаҳар қурилиши меъёрлари ва стандартларига риоя этилишини назорат этиш ҳам кенгаш зиммасига юклатилган. Кенгаш ўзининг ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихро этилиши мажбурий қилиб қўйилди.

Бу олдинги вақтдагидек бош режаларни бузиш ҳолларига чек қўйишга қаратилган. Чунки, бундай ҳоллар ўтмишда жуда кўп содир бўлган. Оқибатда у шаҳарлар, туман марказлари ёки қўғонларни ривожлантириш ва қуриш иштирокчиларини белгилаб берган асосий ҳужжат — бош режанинг аҳамияти камситилишига олиб келган.

Архитектура ва шаҳар қурилиши билан шуғулланувчи мутасадди ва раҳбар ходимларни тайинлаш ва ишдан озод қилиш масаласи ҳам аниқ тартибга солинган. Фармонга мувофиқ вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг раҳбарлари вилоятлар ҳокимларининг тақдимино-

масига биноан ҳамда республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарорига асосан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Фармоннинг яна бир муҳим томони шундаки, вилоятларнинг архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошқилиши республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгаши таркибига киритилдилар. Бу уларнинг зиммасига катта ва масъулиятли вазифа юклайди.

Ўзбекистон архитекторлар уюшмасининг фаолиятини ҳам яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланган. У шаҳарлар марказлари ва туманларнинг марказларининг архитектура комплексларини режалаштириш ҳамда барпо этиш лойиҳаларига танловлар ўтказиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, жамоатчиликни ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда шу лойиҳаларнинг кенг муҳокама этилишини таъминлаш лозим. Архитекторлар уюшмаси раиси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиши ҳам белгиланган. Бу билан умуман уюшманинг архитектура ва шаҳар қурилиши каби муҳим соҳадаги мавқеи янада ошиб, масъулият кучайтирилди.

Шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишга ҳам катта эътибор берилган. Фармонда бош режалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган шаҳарлар рўйхати белгиланган, қолганларнинг бундай режалари эса вилоят ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган бўлади.

Бош режаларни ишлаб чиқишда устивор йўналишлар ҳам аниқ кўрсатилган. Туташ қишлоқ ҳудудлари билан шаҳарларнинг архитектура-режалаштириш тузилмасининг ўй-ун ривожлантирилишини, шаҳар ҳудудларидан тежамли фойдаланишни, аҳоли истиқомат жойларининг табиий муҳитига эҳтиёткорона муносабатда бўлишни таъминлаш назарда тутилди. Буларнинг ҳаммаси ҳаётини муҳим масалалардир. Транспорт йўллари схемаларини, муҳандислик-техникавий тизимларини, ўқув-таълим муассасалари тармоқларини, спорт-соғломлаштириш комплексларини ҳамда ижтимоий соҳанинг бошқа объектиларини мақбул тарзга келтириб, яшаш муҳитининг қулайлигини оширган ҳолда шаҳарларнинг инфратузилмаларини комплекс янгиллаш юзасидан ҳам янги вазифалар белгиланди.

Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар қўғонларини бош режалар билан таъминлашнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб уларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг молиялаштириш вазифаси бевосита вилоят ҳокимлари зиммасига юклатилган ва улар бунинг учун шахсан масъул эканликлари таъкидланган.

Бу фармон архитектура ва шаҳар қурилиши соҳасидаги ишларни янги поғонага кўтариш, сифатини яхшилашга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Уни амалга ошириш республикамизда ва шу жумладан вилоятимизда ҳам бу соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам унинг ижросини таъминлаш мақсадида барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Адиб УМАРОВ,
вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармасининг бош архитектори.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР билан

Кеча «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон XXI аср бўса-гасида» халқаро кўргазмаси ўз иштини бошлади.

Шу муносабат билан уюштирилган матбуот анжуманида таъкидланганича, Ўзбекистон ҳукумати ва Буюк Британиянинг «ITE Group Plc» компанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур тадбирда 25 мамлакатнинг 130дан ортиқ фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар. Кўргазма ўз таркибиде «Нефть ва газ», «Телеком-муникациялар ва компьютер технологиялари», «Озиқ-овқатлар, ичимликлар, егуликлар ишлаб чиқариш ўралари ва ускуналари»,

Кўргазмалар

«Тоғ-кон саноати», «Қурилиш ва уй жиҳозлари» бўлимларини қамраб олган.

Айни вақтда, кўргазма намойиши мобайнида,

нефть-газ саноати ҳамда телекоммуникациялар соҳасини янада ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялаш ва бунга хорижий компаниялар сармоясини жалб қилишга бағишланган икки конференция ўтказилиб, уларда бу борадаги имкониятлар рўйхатини эълон қилиш назарда тутилмоқда. Кўргазма эртага ўз иштини якунлайди.

Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Яқинда Юнусов туманидаги Хамид Олимжон номи маданият уйида «Ўзбекистон — Ватаним мени» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Юнусовнинг 40 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Улар муфозили хайбат аъзолари олдига 35га яқин куй-қўшиқ ва рақслар ижро этиб, санъатга илҳомланиб эканликларини намойиш қилдилар.

Хайбат аъзолари А. Қодирий номи маданият уйи хонандаси Алижон Исхоков ижро этган «Мардона» қўшиғи учун яқдиллик билан бирин-

чи ўринни муносиб кўрдилар. Шунингдек, маданият уйи раҳбари Александр Блинзен ва А. Қодирий номи маданият уйи қатнашчиси Илхом Маткубова ҳам иккинчи ўрин насиб этди. Бир гуруҳ ёшлар эса рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар. Ҳабиблар май ойида ўтказиладиган Тошкент шаҳар «Ўзбекистон — Ватаним мени» кўрик-танловида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўдилар.

Файзулла ИСАЕВ.

ШАРТНОМАГА МУВОФИҚ ТАЪМИР

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат хиссадорлик компаниясига қарашли биринчи Тошкент вагон саройи ўз фаолиятини бизнес-режа асосида амалга ошириб келмоқда. Унга қўра саройи жамоаси Тошкент вилоятидаги қатор саноат корхоналари билан ҳам шартномалар тузди.

Хусусан, Чирчиқдаги «Электр-кимёсаноат» ишлаб чиқариш

бирлашмаси буюртмаси асосида темир йўл вагонларидан бир неча таъмирдан чиқарилди. Олмаликдаги «Аммофос» корхонасининг 500га яқин шундай вагонлари тўла қайта тикланди. Шунингдек, 10 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатиладиган бўлди. Охангарон цемент заводи ҳам вагон саройи хизматидан фойдаланяпти.

Акбар АЛИЕВ.

Зарбдор қурилишлар

ҚАМЧИҚ: СЎНГГИ ДОВОН

Қамчиқ доводидан ўтадиган, республикамиз пойтахтини Фарғона водийсига вилоятлари билан боғлайдиган йўлни кенгайтириш ишлари жадал давом этмоқда. Илгари етти метр кенгликдаги бу йўлнинг эни 33 метргача етказилган. У халқаро мезонларга жавоб берадиган даражага келтирилмоқда.

Қурама тоғ тизмалари бағрида бунёд этилаётган йўл тобора ўзини кўз-кўз қилмоқда. Эски йўлда автотранспорт ҳаракатини тўхтатмасдан уни кенгайтириш осон бўлмапти. Бунинг асоси, қурувчилар жуда чуқур ҳис қилмоқдалар. Ҳаракатни тўхтатмаслик учун, мавжуд йўл ёнида вақтинчалик янги йўللار қуришга ҳам тўғри келмоқда. Бунинг устига ҳаммаёқ тоғу тошдан иборат бўлгани учун унинг бағридан йўл очиш маънавияти айтилмаслиги? Унинг ҳар бир метрини тоғ бағридан қўлиб олишга тўғри келмоқда. Қамчиқ йўли халқаро аҳамиятга эга бўлган иншоотдир. У Оврупои Хитой Халқ Республикаси билан боғлайдиган ва қадимги Ипак йўли бўлиб барпо этиладиган йўлнинг асосий ва энг мураккаб қисмларидан бири ҳисобланади. Унинг умумий эни ўттиз уч метр бўлгани ҳолда автотранспорт ҳаракатланадиган қисми 25,1 метрни ташкил этади.

Вилоятимиз ҳудудига жойлашган Қамчиқ тоннелининг узунлиги 1 километрга 70 метрни ташкил этади. Иккинчи — Резак тоннели ундан уч баравар қисқа бўлиб 400 метрга чўзилган. Иккала тоннел ораллиқдаги масофа эса 4 километрга тенг.

Қамчиқ йўли ишга тушганда вилоятимизда ҳозирги йўлнинг узунлиги 5 километр. Наманган томондан эса 7 километр қисқаради. Тошкентдан Фарғона водийсига Тожикистон ҳудуди орқали ўтишга эҳтиёж қолмайди. Вақти келиб, бу довод орқали темир йўл тармоқлари ўтишининг ҳам гувоҳи бўламиз.

Давримизнинг бу йирик иншоотини барпо этишда икки минг нафардан ортиқ буюқкорлар ишлаяпти. Хусусан «Махсусавтотўлғамир» трести жамоаси аъзоларини йўлнинг вилоятимиз ҳудудига жойлашган элли километрлик қисмининг барча участкаларида учратиш мумкин. Улар йўлни кенгайтириш қатори кўприклар, зовурлар ва бошқа ёрдамчи иншоотларни ҳам қурмоқдалар.

Олмаликдаги «Электрмонтаж» бошқармаси вакиллари электр асбоб ускуналари урнатиш, нур узатиш линияларини тортиш билан шуғулланмоқдалар. «Пўлатмонтаж»чилар эса, турли металл конструкцияларини пайванд қилмоқдалар.

Бўстонлик тумани автомобил йўллари бо-

шқармасидан келган йўл қурувчилар ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Охангарондаги 13-автокорхона транспортчилари эса турли-туман буюқкорлик ашёларини етказиб беришяпти. Ангрендаги автомобиль таъмирлаш заводи жамоаси аъзолари транспорт воситаларининг бир маромада ишлашини таъминлашга эришмоқдалар. Умуман, йўлнинг вилоятимиз ҳудудига йитирилтадан ошқ ёрдамчи пудратчилар ҳам ишлаб, бу иншоотни тез ва соз барпо этишга ҳисса қўшмоқдалар.

Собир МАҲМУДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Андижон йўл таъмирлаш ва фойдаланиш трести буюқкорлари Солижон Ғофуров ва Анваржон Мамадалиевларни (чапда), туннелларни ва Бўстонлик тумани автомобил йўллари бошқармасининг гит тегувчиси Саидов Раимбердиевни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Ислохот инсон учун

ЎЗГАРИШЛАРДАН ҲАММА МАНФААТДОР

«Тошвилоятюктранс»га қарашли 121-акциядорлик автокорхонасида бундан тўрт йил аввал сотилган 26 мингдан ортиқ акциялар ишчиларга ҳар йили фойда келтирмоқда

маошдан ташқари қўшимча даромад қўриша бошланди. Бу биринчи қадам эди.

Кейин аҳвол ўзгарди. Айрим ишчилар кўпроқ олмаганлари учун афсусланмадилар. Яна акциялар сотиб олиш ниятида раҳбариятга мурожаат этувчилар сони кўпайиб борди. Илтимосни амалга оширишга тўғри келди. Ишчиларга ўзларидан ташқари оила аъзолари учун ҳам акциялар сотиб олишга рухсат этилди. Бу бежиз эмасди. Корхонани талаб даражасида таъмирлаш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ишчиларга етарли даражада шарт-шароитлар яратиш, маиший хизмат шохобчалари қуриш учун кўпроқ маблағ зарур эди.

Автокорхонада ўз эгасини топмаган битта ҳам акция қолмади. Оқибатда икки йил ичида эса бу маскан кифоси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Машиналар сақланадиган янги саройлар, ҳаммом, душо-

на, қурилиш материаллари бўйича ёрдамчи цехлар фойдаланишга топширилди. Дам олиш хоналари ташкил этилди, сифатли, лекин, арзон нархда таомлар тайёрлайдиган ошхона хизмати йўлга қўйилди.

— Ислохотлар одамлар тафаккурини ўзгартирди, — дейди автокорхона бош

этиб келинмоқда.

Бош иқтисодчи бизга автокорхонада юк ташилладиган манзиллар, улардан машиналарнинг қуруқ қайтмаслиги, галла ўрими мавсумида Юқоричирчиқ тумани хўжаликларига хизмат кўрсатишдаги оқилона иш услублари тўғрисида ҳам сўзлаб берди. У акциядорлар ўтган йили эришган самараларни кўрсатиши учун бизни компьютерлар хонасига бошлади. Рақамларни бирма-бир тушунтириб борди. 1999 йилда 224 киши меҳнат қилган бу автокорхонада юк ташилдан қўрилган даромад 215 миллион 624 минг сўмни, 1998 йилдагидан 12 миллион сўм кўпроқни ташкил этди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлиги 7957 сўм ўрнига 12 минг 217 сўмга тўғри келди. Ўтган йили 17 миллион сўмга яқин соф фойда қўрилди. Ҳар бир акция ҳисобига 653 сўмдан дивиденд ажратилди.

Энг олди акциядор 1999 йил давомида ойлик маош билан бирга 400 минг сўмгача, энг кам акция сотиб олган киши 290 минг сўм атрофида даромадга эга бўлганини «аккли» машиналардаги рўйхатдан билиб олди.

Мейнган 58та акция бор эди, шу йилнинг ўзида 37 минг 874 сўм дивиденд олдим, — дейди ҳайдовчи Тожибой Маткулов, — агар ҳозирги тушунчама ўшанда бўлганида 200та сотиб олишим тайин эди. Шунингдек, Раҳим Иброҳимов, Эргаш Турдалиев ҳамда устаслар — Александр Козин, Мирвали Мирбобоевлардан ҳам мабодо акциялар қайта чиқарилса, кам билан 100-150 тадан сотиб олиш ниятида эканликлари тўғрисидаги фикрларни эшитдик.

Санд ВАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ХАРИТАСИ ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

Ҳар бир жамоа хўжалигининг тупроқ харитаси бўлади. Унда экин майдонлари тупроқининг таркиби кўрсатилган. Физик ва кимёвий хусусиятлари қайда қилинади. Деҳқончилик қилишда шў томонлар инобатга олинади. У вақти-вақти билан янгиланиб туриши керак.

Қийраш туманидаги хўжаликлар тупроқ хариталарини қайтадан тузиш зарурати туғилганда,

бу масалада ёрдам сўраб Тошкент давлат аграр университети олимларига мурожаат қилишди. Олий ўқув юртининг тупроқшунослик кафедраси илм аҳли бу муҳим ишга бош қўйишга розилик билдирдилар. Улар тумандаги 16та хўжалиқнинг тупроқ харитасини қайтадан тузиб бердилар. Шартнома асосида бажарилган шу иш тўғрисида бир ярим миллион сўм даромад олдилар.

Собир ҲАМИДОВ.

18 май — Халқаро музейлар кун



Дунёда ilk одам пайдо бўлиб, унинг оёғи заминга тегиши билан барча нарсани тамлаш таъбишига тушган. Бу одат, мана, неча миллион йиллар ўтса ҳам бизгача етиб келган. Шу тариха йўқолиб кетмаган жонзотлар, ўсимликлар дунёсини асраб қолиш учун «Кизил китоб» пайдо бўлди. Қўриқхоналар бунёд этилди. Ноёб ҳужжатлар сақланган архивлар ташкил топди. Бу айни пайтда инсоннинг ўзи қилган кўнгилсиз ишларига тавбаси бўлса, иккинчи томондан оламнинг бағрини бут қилиш учун қайғуриши ҳамдир.

Қадимги Римнинг буюк нотиғи Цицерон «Билимларни асранг!» деб хитоб қилган экан. Атрофи тошдан ўралган, тош тоқчалар билан жиҳозланган, тош ўриндиқлар билан ороланган илк кутубхона ана шу хитобнинг, васиятнинг меvasи бўлса ажаб эмас. Музейларни ҳам мен маънавий маънода маънавиятимизнинг ажралмас бир бўлағи десам, хато қилмаган бўлман. Чиндан ҳам, агар ҳик ҳаво остидаги илкларнинг қуёш ибодатхоналари, майяларнинг тош қўрғонлари, Миср эҳромлари, Рим, Венеция, Самарқанд, Бухоро каби шаҳар-музейлар бўлмаганда, инсониятнинг босиб ўтган йўлини аниқлаш мумкин бўлармиди?!

Ўзбекистонимизда музейлар талайгина. Табиат, санъат, тарих, адабиёт, халқ амалий санъати, темирйўллар даври тарихи давлат музейлари шулар жумласидандир. Яна ўнлаб ўй-музейларни ҳам тилга олиш мумкин. Уларда жамланган минглаб экспонатлар, ҳужжатлар, буюмлар Ватанимизнинг то Ойгача етиб борган шухрати пиллапоярларини акс эттиради. Сир эмас, деярли барча музейларимиз энг камида 80-90 йиллардан бери мавжуд. Яқин-яқингача ундаги экспонатлар ҳам шунга яраша бўларди. Истиклол шабадалари эсиб, музейларимиздаги экспозициялар ҳам ҳақиқат сари юз бурди. Халқимиз тарихини руй-рост акс эттирувчи ноёб экспонатлар яна намойиш этила бошланди. Санъат музейида миллий ранг-тасвир бўлими қўйилди, кўпайтирилди. Музейларимизнинг иқтисодий, ижтимоий аҳоли янада яхшилланиши учун «Ўзбекистон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топди.

Вилотимиз Ўзбекистонимизнинг барча гўшалари каби муқаддас табаррук замин саналади. Унинг узига хос табиати, иқлими, тарихи борки, бу тарихни йўқотишга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ангрн шаҳрида бир гуруҳ фидойиларнинг савий-харақатлари билан бундан бир қанча йиллар олдин ўлкани ўрганиш музейи ташкил этилган эди. Бу музей, агар таъбир жоиз бўлса, вилотимиздаги энг қатъи музей бўлиб турипти. Унга кирган одам 1962 йилда очилган Қўлбулоқ қўналғаси-

дан топишган буюмларни қўриб, хайратга тушмай иложи йўқ. Уларнинг яралганига 750 минг йил бўлган экан! Бу қўналға жаҳондаги инсон яшаган энг қадим манзиллардан саналади. Умуман, Охангарон водийси тарихидан Ангрн ишчилари ҳаётидан ҳикоя қилувчи музейда минглаб экспозициялар мавжуд. Хатто бу ердаги таниқли расом В. Уйимцевнинг суратлар галереясида 4600дан ортқ асар сақланади. Лекин музейга ҳозиргача махсус мослаштирилган бино ажратилмаган. Олмалиқ шаҳридаги ўлкани ўрганиш музейида ҳам ахвол бундан яхши эмас. Ушбу музейларга фақат фидойиларнинг ўзи қийос қилмайди. Уларга ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ёрдам ниҳоятда зарур. Шунда барча ишлар қўнгилдагидек бўлади.

Одамлар «кинога борайлик», «театрга борайлик», дейишади. Лекин «музейга борайлик», деб камдан-кам айтишади. Одамлар шу даражада музей нималигини

БУЮК НОТИҚНИНГ ВАСИЯТИ

тушунмайдиган бўлиб кетишганми? Йўқ, жуда яхши билишади. Фақат музейларимизда олға силжиш, замоннинг тўлиқ нафасини акс эттириш, яна ҳам аниқроғи, мустақиллигимизнинг тўққиз йили мобайнида босиб ўтган йўлимизни тўла ифода-ламмаётганлиги уларнинг қадамини узиб қўйган бўлса ажаб эмас. Экспонатларнинг пишиқ-пухта, илмий савияда эмаслигини эса, таъкидлашга ҳожаз бўлмаса ҳам керак.

Музейлар маънавиятимизнинг ажралмас бир бўлағидир, дедик. Шундай экан, унинг ҳаётиимизнинг кўзгуларига, тилсиз, лекин оташин нотикларига айланиши шарт. Музейларга кирганлар экспонатларга қараб, юртимиз тарихининг кечаси, бугуни, келажagini «қўйиш» зарур. Ким эдигу ким бўлди, деб шукур қилишлари керак.

Хар бир жамоа ҳўжалигининг Меҳнат ва шон-шухрат музейлари бор. Ўша музейларнинг аҳоли қандай экан? Истиклолимизнинг залворли одимларини акс эттирувчи янги материаллар билан бойланганми улар? Ёки бори ҳам нес-нобуд бўлиш арафасидамиз? Уй-музейлар ҳақида-ку, гапирмай қўяқолайлик. Вилотимизда яшаб ўтган аjoyиб тақдирли замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи уй-музейлар мавжуд бўлса ёмонми? Ахир улар минг-минглаб одамларни тарбиялайди-ку? Меҳнатга, ижодга олтанитариди-ку! «Иш биланганга иш анча, иш билмаганга иш қанча», дейди халқимиз. Музейларга бўлган эътибор тарихимизга, ўтган кунимизга бўлган эътибор. Шунинг учун 18 май — Халқаро музейлар кун деб эътироф этилди. Шундай қилайликки, музейларимиз жаҳондаги, хусусан, Франциядаги Лувр, Япониядаги хайкалчалар, Москвадаги Третьяков галереяси, Бельгиядаги нон, Америкадаги автомобил музейлари сингари довруғ қозонсин. Жаҳоннинг ҳамма бурчакларидан одамлар зиёратга келишсин. Экспонатлари дунёнинг барча бурчакларида намойиш этилсин. Бунинг учун эса, меҳнат қилиш керак. Халқимиз қилаётган буюк ишларни жонлантира билиш керак. Зеро, музейларимиз ҳақиқатни ўз бағрида асрайди. Президентимиз айтганидек, «Тарихий ҳақиқатсиз — келажак йўқ». Демак, музейларга ғамхўрлигимиз келажакка бўлган ғамхўрлигимиз ҳамдир.

Темура УБАЙДУЛЛО,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
СУРАТДА: Ангрн ўлкашунослик музейи залларининг бирида.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

КЎПИ ЭМАС, ХЎБИ КЕРАК

ФЕРМЕР ҳўжаликларини аттестациядан ўтказиш, деҳқонча қилиб айтганда, уларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиш, «тасодифий»ларнинг ерларини қайтариб олиб, салоҳиятларига эса ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш республика ҳўкумати амалга ошираётган бугунги аграр сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир. Шу муносабат билан вилотимиз туманларида мавжуд фермер ҳўжаликлари фаолиятини атрофлича ва чуқур таҳлил этиш, қўтилган самарани бермаётганини қонуний асосда тугатиш, ўзларини бирмунча тутиб олганларни эса ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, янада ривожлантириш чора-тадбирлари қўрилмақда.

ЖУМЛАДАН, Оққўрғон тумани ҳўқимлиги, кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси ҳамда республика деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси туман вакилчилиги томонидан кейинги икки йил давомида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни пахтачилик ва галлачиликдаги ўртача ҳўсилдорлик мисолида яққол кўриш мумкин. Ўтган йили туман бўйича пахтадан 28,1, галладан эса 30 центнердан ҳўсил олинди. Фермер ҳўжаликларида эса бу кўрсаткичлар тегишлича 35,5 ва 45 центнердан тўғри келди.

Ушбу рақамлар ўртасида фарқдан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, фермерлик ҳаракати қанчалик тез ва кенг ривожланса, фермер ҳўжаликлари кўпайса, кишлоқда амалга оширилаётган ишлорлардан қўтилган мақсадлар шунчалик жадал рўёбга чиқади. Айниқса, деҳқончилик махсулотлари етиштиришни кўпайтиришга фақат ҳўсилдорликни ошириш ҳисобидан эришилши айни мудоаодир. Аммо бу фермер ҳўжаликлари сонини қандай бўлмасин кўпайтириш зарур дегани эмас асло. Бу борада ҳам биринчи галда сифат масаласига, яъни фермерлар иқтидори ва салоҳиятига асосий

эътиборни қаратмоқ лозим. Туманда шундай қилинган. Масалан, 1998 йилда бу ерда 309 фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатди. Шулардан 7-8 нафар фермер пахтадан 10-15 центнер, галладан эса 15-20 центнердан ҳўсил олди ҳолос. Демак, улар фермерликни шунчаки ҳавас деб билган тасодифий «ишбилармон»лар. Фермерлик салоҳиятига мутлақо эга эмаслар. Шу тоифа ҳаваскорларга бериб қўйилган ерларнинг умри бекор ўтиши табиий. Бундай ҳўжасизликка барҳам бериш мақсадида туман ҳўқимининг кишлоқ ҳўжалик масалалари билан шуғулланувчи биринчи муовини бошчилигида фермер ҳўжаликлари ишини мувофиқлаштирувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи махсус гуруҳ тузилди. Доимий фаолият юритувчи бу гуруҳ 15 кишидан иборат бўлиб, улар кишлоқ ҳўжалигининг турли соҳалари бўйича тажрибали мутахассислардир.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ 309 фермер ҳўжалигининг бутун фаолиятини чуқур ўрганиб чиқди ва 270 фермернинг ишини қониларли деб баҳолади. Қолган 39 фермер ҳўжалигини тугатишга қарор қилди. Бунинг учун аниқ далиллар келтирилди, сабаблари оқиб-оидин айтилди. Масалан, айримлар фермер ҳўжалигини юритиш бўйича энг оддий йўл-йўриқларни ҳам яхши билмайдилар. Шунинг учун бўлса керак

вақтида ҳисобот бермайдилар. Айримлар эса, ҳатто, қандай қилиб ҳисоб-китоб олиб бориш кераклигини тушунмайдилар ҳам.

— Аттестация жараёни ана бир муҳим масалага ойдинлиқ киритди, — дейди республика деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси туман вакилчилиги раҳбари Абдурасул Саидхамедов. — Фермер ҳўжаликлари фаолиятини чуқур ўрганиш чоғида улардан айримларининг, ҳатто, 150

Қишлоқ ва ислорхот

гектаргача ер олиб, бема-лол эплаш салоҳиятига эга эканликлари маълум бўлди. Биз буни ҳисобга олиб, ана шундай фермерга бу йил яна ер қўшиб бердик. Ҳозир тасарруфларидаги экин майдонлари 150 гектарга етган фермерлар сони 8 нафардан ошди. Уларнинг аксарияти ўз техникаларига эга. Фақат галла пишиб етилган пайтда дон қомбаинларини ёллаб ишлатадилар ҳолос. Пахта эса нақд даромадин беғона қилмаслик учун фермер ҳўжалиги аъзолари бутун оилалари билан йиғиб-териб оладилар. Қўлда терилган пахта эса биринчи навга қабул қилиниб, энг юқори нархда ҳақ тўланади. Бу ҳам қўшимча даромад дегани.

Даромад ҳақида гап кетганда шуни ҳам айтиш керакки, тумандаги ҳар бир фермер ҳўжалиги қанча пахта топширганга қараб, заводдан пахта ёғи, қунжара ва чигит шелухасини олади. Масалан, ўтган йилги ҳўсил юзасидан улар 50 тонна пахта ёғи, 350 тонна қунжара, 210 тонна шелуха олишади. Бугунги кунгача ана шу махсулотларнинг қариб 50 фоизи олиб келиниб, фермер ҳўжалик-

лари аъзоларига тарқатилди. Яна шуниси ҳам борки, бу махсулотлар арзон нархда олинади. Чунончи, Абдурасул Саидхамедовнинг айтишига қараганда, пахта ёғи 250 сўм атрофида, қунжара эса 5-6 сўмдан тушапти.

Бундай қўлай имкониятдан оқилона фойдаланаётган деҳқонларнинг ҳонадонларида чорва моллари тез кўпайиб борапти. Моли кўпнинг эса рўзғори бут бўлади. Демак, фермерликни ўрнига қўётганларнинг турмуши ўз-ўзидан фаровонлашиб боради. Бунинг учун қўшимча имкониятлар ҳам яртиб берилляпти. Чунончи, ҳар йили бугўддан бўшаган ерлар аъзоларга шартнома асосида бўлиб берилиб, июнь ойидаёқ ҳам дон, ҳам силос учун мажбурият экилади. Хуллас, фермерларнинг асосий экин майдонлари ҳеч қачон бўш ётмайди.

А. Икромов номли жамоа ҳўжалиги ҳудудидagi Валижон Сулаймонов бошлиқ фермер ҳўжалиги ана шундай илгорлардан бири. Ўтган йили бу ерда 95 гектар майдонда пахта етиштирилиб, 36,8 центнердан ҳўсил олинди. 22 гектар майдондаги бугўда эса 40 центнердан ҳўсил тўқди. Умуман, ҳар йили 2-2,5 миллион сўм атрофида соф фойда қўрилади.

А. Навоий номли жамоа ҳўжалигида фаолият юритаётган Бакир Исроиллов бошлиқ «Гўзал» фермер ҳўжалиги ҳам мустақил оёққа туриб олган. Ҳўсилдорлик ҳам, даромад ҳам муҳим. Ҳозир улар 146 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Дарвоқе, жамоа ҳўжалиги аъзоларининг шу йил апрель ойининг охирида бўлиб ўтган умумий йиғилишида Бакир Исроиллов шу ҳўжалик раиси этиб сайланди. Бошқача қилиб айтганда, жамоа ҳўжалиги аъзолари Б. Исроилловни

ўзлари талаб қилиб олишди. Зеро, юқорида айтганимиздек, туманда деҳқон аҳолига намуна бўлаётган бундай фермер ҳўжаликлари оз эмас.

Кейинги пайтларда фермер ҳўжалигини ташкил этиш мақсадида ер сўраб ҳўқимликка тушаётган аризалар оқимининг кўпайганлиги шундан бўлса керак. Бу аризаларнинг бирортаси эътиборсиз қолдирилмай, туман мувофиқлаштириш ва амалий ёрдам кўрсатиш гуруҳи томонидан синчиқлаб ўрганиб қўқилади ва амалдаги қонунлар доирасида ҳал этилади. Шу тарика бугунга келиб туманда фаолият кўрсатаётган фермер ҳўжаликлари сони 374тага етди. Уларга жами 4664 гектар экин майдони узок мудоатга бириктириб қўйилган. Шундан бу йилги мавсумда 1338 гектар ерда бугўдай, 2607 гектар майдонда пахта етиштирилади. Бундан ташқари айрим фермерларга 35 гектар шולי ва 60 гектар қартошка учун ер берилиб, етиштирилган ҳўсилнинг тенг ярмини давлатга топшириш юзасидан шартномалар тузилган.

Шартнома режаларида белгилангани бўйича бу йил туман фермер ҳўжаликлари давлатга 7000 тоннадан зиёд пахта топширишлари лозим. Яъни ҳўсилдорлик салкам 27 центнер қилиб белгиланган. Аммо бирорта фермер ҳўжалиги 30 центнердан кам ҳўсил олаётгани йўқ. Бу йил ҳам шартнома режасининг анча ортиғи билан баҳарлилигига шубҳа йўқ.

Абдусамад йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«ҚОШИҚЧИ»ДАГИ БОҒ

лар қўнгилларга сафо бағишларин, таниқли қалам соҳибларига янги ғазалларини ўқиганлар, ҳажвий шеърлар янраган...

Боғ эгаси Аловиддин қори қўғли Шарофиддин қори анча завқли зот бўлиб, танбурни маромда чертган, мадрасада таҳсил кўраётган чоғлари

Мозийга назар

да назм борасида ҳам машқлар қилган, ғазаллар битган, муҳаммаслар яратган.

Баҳорда бу боғда бўлиб ўтадиган шўх-шани йиғинлар, завқ-шавқли учрашувлар чоғида шоирлар бир-бирларига «Мувашшах»лар ҳам битаришлар, қалам соҳибларининг ўкиби бўлиб фазилатлари уларда акс-садо берарди.

Ушбу боғда Абдулла Қоди-

рий «Ўтган кўнлар»дан парчалар ўқиган. Хуршиднинг ҳам «Жамила» сахна асари биринчи бор ушбу гўзал боғдаги «шоҳсупа»да ўқилиб, фикр алмашувлар бўлиб ўтган. Худди шундай, 1918 йилда атоқли драматургининг ҳадидчилик ҳаракати ҳақидаги биринчи тарихий драмаси — «Жаҳид ва Қадим» ўқилган, сўнгра у «Туррон», «Шарқ сахнаси»да намойиш этилиб, 1919 йилда Қодирий — Жулкинбой унга «Ишторокин» газетасида (1919 йил, 11 декабрь) тақриз ёритган.

Ярим минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган маърифатпарвар, ҳадидчи-зиёкор ижодкор Шарофиддиновлар шажараси пайванд, «Қошиқчилик», сўнгра эса, «Қўхота» маҳалласига туташ (Хуршид кўчасига боғлини келган) мавлуду маскандаги

гўзал боғда, «Наврўз» палласида Мавлоно Камий Шойий, Хислат, Тавалло, Абдусот дутори, Мискин Тошқандий, Тўйчи Ҳофиз (унинг Ороҳон исми кизининг боғи ҳам шу атрофда эди)лар вақти чоғлиқ, нафосат дамларини ўтказишни хуш кўрардилар.

Афсуслар бўлсин-ки, урушдан кейинги йилларда мўтабар мавлуду маскан «реконструкция» қилиш баҳонасида қўроқ-қўроқ қилиниб «участка»ларга бўлиб юборилди. Бирок, шу кўнларда ҳам ўша боғ эгаида қад кўтарган, тарихий, ўзига хос музейдек иқлим қаватли бино мўзидан дарак бериб, қўрқ сочиб турипти. Унга эътибор бериб, ободонлаштириб, таъмирлаб қўйилса, ана ўша буюк ақлодлар, маърифатпарвар ижодкорлар хотирасига чироқ ёқиб қўйилган бўларди...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар одамлар воқеалар

ҚОҲИРАДА ЖАМҒАРМА БЎЛИМИ

Мана қарийб бир ярим йилдирки, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Шу қисқа мудоат давомида жамғарма томонидан буюк аждодиимиз ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш бўйича нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, ўтган йилнинг езида жамғарма раиси, профессор З. Мунавваров Қоҳирага қилган сафари давомида мисрлик олимлар томонидан Имом ал-Бухорийнинг бой илмий меросини ўрганиш ва уни

кий ҳужжатда ўз аксини топди. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Қоҳира бўлимининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, олимлар, тадбиркорлар ва журналистлар ишти-

рок этишди. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Қоҳира бўлимининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, олимлар, тадбиркорлар ва журналистлар ишти-

рок этишди. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Қоҳира бўлимининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, олимлар, тадбиркорлар ва журналистлар ишти-

Абдулло Абдулҳамид Саад бўлим раҳбари этиб сайланди.

— Имом ал-Бухорий номи-ни эшитмаган ва билмаган ханиф ислом дини вакили бўлмаса керак. Унинг мероси, хусусан, «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асари қурраи заминимизнинг барча кутубхоналаридан жой олган. Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан ислом улаомларининг жаҳон илм-фан ривожига қўшган ҳиссалари бекиёсдир. Биргина Бухоро шаҳрининг ўзи қирқ-

дан зиёд Бухорий таҳаллуси билан танилган буюк шахсларни ато этган. Уларнинг асарларини ўрганиш ҳозирги даврдаги долзарб масалалардандир. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Қоҳира бўлимининг очилиши ушбу хайрли ишни амалга оширишдаги биринчи қадамдир, — деди доктор Абдулло Абдулҳамид Саад.

Б. ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА, Қоҳира шаҳри.

АСИРЛАР КАТЛ ЭТИЛДИ

Шимолий Иттифок толибон вакиллари икки юзга яқин ҳарбий асирни ноҳақ отиб ўлдирилганлиги айбланмоқда. Асирлар Шибиргон, Мозори Шариф ва Саманган вилоятларидаги қамқоҳоналардан чиқарилиб, мамлакат шимолига олиб борилган ва катл этилган. Маълумотларга қараганда, отилганлар орасида ҳозирларилар кўпчилиги ташкил этган. Ислор конференцияси

ташкilotи ташаббус билан Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида икки иктилофчи томон ўртасида ўтказилган музокараларда ҳарбий асирларни алмаштиришга келишув олинган эди. Тахминларга қараганда, толиблар уша келишувни йўққа чиқариш ниятида асирларни катл этган.

АГАР ПУЛЛАР ҚАЙТАРИЛСА
Индонезия бош прокуратураси собиқ президент Су-хартога қўйилган айблар

бўйича тергов ишларини бошлаб юборди. Бош прокурор текширувлар натижа-сида унинг айбларини фожетувчи аниқ далиллар борлигини маълум қилмоқда.

Суҳарто ўзи президент бўлган вақтда давлат хазинасидан ўн беш миллиард АҚШ доллариға яқин микдордаги маблағни ўзлаштирилганлиги айбланмоқда. Мамлакатнинг ҳозирги президенти Абдурахмон Воҳид, Суҳарто айбига иқдор бўлиб, умарилган пуллари қайтарса, кеңирилиши мумкинлигини айтиди.

МАБЛАҒ БЎЛСА БАС

АҚШнинг Кубага нисбатан жорий қилган иқтисодий жа-зо экин бекор этилганидан сўнг мамлакат савйелигининг кенг кўлабда ривожлантирилиши режалаштирилмоқда. Режага биноан, Кубада ҳар йили ўн икки миллион сайёҳни қабул қилиш оладиған даражада меҳмонхоналар қурилиши керак. Бу эса 22,3 миллион АҚШ доллари микдоридида маблаг талаб қилади. Расмий маълумотларга қўра, ҳозирча ушбу лоийҳанинг саксон фоизини молиялаштириши ҳўкумат ўз зиммасига олган.

ШАРОИТ ОҒИР КЕЛДИ

Шимолий Кореяда бу йилги экин-тикин мавсуми мурак-каб шариоатда ўтмоқда. Хабарларга қараганда, сув омборларида етарлича захира йи-гилмаган, электр қуввати таъминоти жиғий муаммо бўлиб турибди, устига-устак об-ҳаво ҳам яхши келмаётпти, экинларга ишлатиладиган ўғит ва техникалар учун эътиёт қисмлар тақчиллиги юзга келган. Шундай бўлса-да, аънанга қўра, деҳқонларга шарҳликлар, ҳарбийлар ва мактаб ўқувчилари қўмак бермоқда.

ШИКОЯТЛАР КОР КИЛДИ

АҚШ ҳўкумати бундан буюн Африкада ОИТСни даволаш-да қўлланиладиган арзон дори-дармон ишлаб чиқариш ва сотишга тўқилиш қилимайд. Бунинг биригина шарти бор. Бу дориларни сотишда савдо-соткичининг халқаро меъ-ёрлари бузилмаслиғи керак. Оқ уйнинг бу қарорига айрим дорилар қимматиғи боис, аҳоли уни сотиб олишга қўра-би етмаётгани ва бунинг ор-қасидан келиб тушаётган ши-дан қарор сабаб бўлди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

ХИЗРНИНГ ДУОСИ

Хизр алайҳиссалом ўз шогирдлари билан одамларнинг яшаш тарзини кўриш мақсадида бир шаҳарга борибди. Шаҳар аҳолиси у кишини танимагани сабабли ҳурматларини жойига қўймабди, бу ёққа кириб дам олинг, дейдиган бирор инсон топилабди. Улар карвонсаройни қидириб топишибди. Саройбон ҳам илтифот кўрсатмай, бир қоронғу ва зах ҳужрага бошлабди, ётиш-туриш учун эски кўрпа-тўшак чиқариб берибди. Улар озиқ-овқатдан ҳам жуда қиналишибди. Саройбон еиши-ичишдан хабар олмагани учун ўз акачаларига бозордан озиқ-овқат сотиб олишибди. Чоқ қўйиб берадиган одам топилмагани учун ўзлари чой қайнатиб ичишибди. Тўрт-беш кун ўтгач, ранглари синикқан ҳолда кетаётганларида,

Хизр алайҳиссалом фотиҳага қўл очиб «ҳамманг подшоҳ бўлинглар», деб дуо қилибди. Бошқа шаҳарга боришса, шаҳар аҳолиси уларни очик чехра ва шод-хуррамлик билан қарши олиб, катта илтифот кўрсатишибди. «Бизникига кўнинглар», «бизнинг ҳовлида жой бемалол, ҳам яқин», «бизникига юринлар» дегувчилар сон-саноксиз экан. Хизр алайҳиссалом уларга қараб:

— Сизларни безовта қилиб нима қиламиз, яхшии карвонсаройга қўна-қоламиз, — дедилар.

Тўплаган аҳолидан бири у кишининг қўлтиқларидан олиб:

— Таксир, карвонсаройга қўнамиз деб бизни хафа қилманг. Хонадонимизга муборак қадамингиз етсин, суҳ-

Ибратнома

батингиздан бизни баҳраманд қилинг, қани, кетдик, — деб ўзи йўл бошлабди. Меҳмонларни яхши жиҳозланган озода ва шинам хонага жойлаштирибди. Дастурхон тузаб, уни турли ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлабди. Ётиш-туришлари учун тутилмаган ўрин-кўрпалар чиқариб берибди. Улар бир ҳафта мобайнида шаҳар аҳолисининг азиз меҳмони бўлишибди. Ҳамма ерда уларга самимий иззат-икром кўрсатишибди. Яхши дам олиб, хордик чиқариб кетаётганларида Хизр алайҳиссалом фотиҳага қўл очиб дуо қилибди: «биттанг подшоҳ бўлгин».

Йўлда кетишганда, у кишининг шогирдларидан бири ажабланиб сўрабди:

— Таксир, бизга мурувват кўрсатмаган шаҳар аҳолисини «ҳамманг подшоҳ бўл», деб, ахтиром кўрсатган аҳолини эса «биттанг подшоҳ бўл»,

деб дуо қилдингиз. Бу ниятларингизни қандай тушунишимиз керак?

Хизр алайҳиссалом изох берибди:

— Биринчи шаҳар аҳолисига қилинган дуо қарғиш билан баробар. Энди у шаҳар аҳолисининг ҳар бири мен подшо бўлман деб тахт талашади. Натижада улар орасида меҳроқибат, мурувват ва шифат қочади, бир-бирларига ҳисбатан қаҳр-ғазаб ва адоват кучаяди. Ахиллик бўлмаган, душманлик ва ғаразгўйлик қучайган жойда иммон ҳам, барақа ҳам бўлмайди. Бир киши подшо бўлган жойда тартиб-интизом ўрнатилади, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром ортади. Баҳамжияҳатлик билан, бир ёқадан бош чиқариб иш юритилганда иш унуни ҳам, турмуш фаровонлиги ҳам, файзу барокот ҳам юқори бўлади.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

ОРОМГҲОҲЛАР КУТМОҚДА

Ўқувчиларнинг ёзги таътилида Тошкент вилоятида 26 минг нафардан зиёд ўғил-қиз сўлим оромгоҳларда ҳордик чиқаради.

Чирчиқ қурилиш материаллари трес-тига қарашли «Гўзал», Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Чимён», Тошкент геология қорхонаси қошидаги «Гео-

лог» болалар оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ниятисига етмоқда. Ўзтиборли томони шундаки, таътил давомида ўқувчилар дастурхонини ҳўл мева, сабзавот, гўшт-сут маҳ-

сулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида савдо ва тайёрлов идоралари, хўжаликлар ва фермерлар қўшимча оталик ташкилот сифатида бириктириб қўйилмоқда.

Мавсумда вилоятдаги кўплаб мактаблар ҳузурида ҳам болалар ва ўсмирларнинг ёзги соғломлаштириш лагерлари ишлайди. Уларда олти минг нафарга яқин ўғил-қиз ҳордик чиқаради.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Янги китоблар



Ҳамид НОРҚУЛОВ

Тўйтепалик чемпионлар

ТЎЙТЕПАНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

«Қобул-Тўйтепа текстиль» қўшма қорхонаси жамоасига йўллаган табригида Президентимиз Исрол Каримов: «Мен шу пайтгача Ўзбекистоннинг кўпчиликлга маълум бўлмаган чекка бир шаҳарчаси — Тўйтепа бундан буён Марказий Осиё чегараларидан ташқарида ҳам машҳур бўлишига аминман», деган эдилар. Бу башорат шаҳарнинг спорт ҳаётида ҳам ўз ижобатини топишмоқда.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор билан қараб келинмоқда. Шу сабабли шарқ яккакураши — таэквондо, каратэ, кунфу, бокс, футбол, чавандозлик, тенгис атлетика бобида Ўзбекистон спортчилари жаҳон миқёсида кетма-кет галабага эришмоқдалар. Айни пайтда қишлоқларимизда ҳам жисмоний тарбияга илос оммавий тус олмақда. Икtidорли юлдузлар етишиб чиқмоқда. Истеъдодли шoir ва журналист Ҳамид Норқуловнинг «Меҳнат» нашриётида дунё

юзини кўрган «Тўйтепалик чемпионлар» китобини ўқиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ундан йигирмага яқин якка кураш усталари ҳақидаги ҳаяжонли лавҳалар ўрин олган.

Муаллиф ҳар бир спортчиға таъриф берадиган, юртимиз истиклол туфайли жаҳонга юз тутгани, янги-янги истеъдодларнинг пайдо бўлгани, Ўзбекистон мард спортчилар Ватани экани ҳақида завқ билан қалам тебратди. Китоб чиройли безатилган. Унинг саҳифаларидан спортчиларнинг суратлари, машқ пайтини ақл эттирган турли лавҳалар ўрин олган.

Спорт — матонат дегани. Муаллиф ҳар бир мақолада бунга уруғ берган. Тўйтепалик чемпионлар юртимиз шарафини ҳали кўп бора ҳимоя қилишлари, юксак натижаларга эришишларини ишонч билан таъкидлаган. Муаллиф ёзганидек:

Жаҳон узра қилишарди

Ўзбекистон байроғи,

Оқшларда унинг қади,

бўли-баста бор бўлмай.

Пўлат Усмон шогирдлари

мардликнинг энг қайроғи,

Улар доим ғолиб эрур,

зафар доим ёр бўлмай.

Ғолиб МИРЗО.



Тарихий лавҳалар

ЗАКОВАТ БУЛОҒИДАН ТОМЧИЛАР

ЛАКМА

Султон Махмуд Газнавийнинг саройида, унга тобёб бўлган мамлакатлардан бирининг шахзодаси бир неча йилдан бери қаттиқ кузатув остида яшар эди. Кунлардан бир кун шў шахзодани қатл қилишга фармони олий берилганида, шахзода Махмуд Газнавийдан ёлвориб сўрабди:

— Ўй шохлар шоҳи, буюк султон! Бир қосиқ қонимдан кечиб, мени озод қил. Эвазига мен қўшин йиғиб Чин мамлакатининг сенга тобёб қилиб бераман, менинг халқим эса доимо итоатингда бўлади.

Султон Махмуд шахзоданинг ваъдаларига ишониб, унинг сўровини қондирди: қатл ҳақидаги фармон бекор қилинди, шахзода ҳибсдан озод этилиб, сарулолар, совға-саломлар билан ўз юртига кузатилди. Орадан кўп ҳам вақт ўтмай, Чин мамлакатининг Махмуд Газнавий салтанатига тобёб бўлиши у ёқда қолиб, шахзода кетган юрда тинчлик йўқолди. Карвонлар талон-тарож бўла бошлади. Шахзоданинг найрангига учиб лақиллаган шох қасалланиб ётиб қолди. Унинг дардига ҳеч ким даво бера олмади, одамларнинг сўхбатидан эса безор эди. Шунда у анандан бери саройдан узоклашган Берунийнинг саройига қачиртириб, унга булган воқеани айтиб берди.

— Сен менинг сафарларим ҳарбий юришларимда ҳамроҳ бўлдинг, — деди султон олимага дўстона мурожаат қилиб. — Кўпни кўрддинг, эшитдинг, билдинг. Шунда ортирган фойдали маслаҳатларингдан сўзлаб, қўнглимни оч.

Султон Махмуднинг феъл-атворини яхши билган

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Абу Райхон Беруний ўйлабди: бирор-бир масалани айтса-да, шох ундан нотўғри хулоса қилса, ҳаммаёқ хонавайрон бўлади. Газабланган шох Берунийни савалатиши ёки зиндонга ташлаши мумкин. Қанчадан қанча уламою шоирлар, масалчию файласуфлар барвақт дунёдан кўз юмганига Берунийнинг ўзи гувоҳ бўлган. Индамай ўлтириш ҳам мумкин эмас, бу султон буйруғига итоат қилмаслик деб баҳоланади. Шунин билган олим, ноилоҳ, қўйидаги ҳикояни айта бошлади:

«Бир чол киши битта чумчуқ тутиб олибди. Чумчуқ ҳалиги чолга:

— Мени нима қилмоқчисан? — дебди.

— Сўйиб ёмоқчиман, — деб жавоб қилибди чол.

— Мен билан тўймайсан, — дебди чумчуқ чолга қараб.

— Чунки мен сенга ярим лўмача ҳам етмайман. Борди-ю сен мени қўйиб юборсанг, сенга учта қимматли сўз айтиб бераман. Унга амал қилсанг катта фойда қурсан.

Чумчуқ айтган қир чолга маъқул тушибди. Улар Тангронин гувоҳ келтириб, ўзаро келишибди. Кейин ҳалиги чол, чумчуқдан:

— Қани, ўша ҳикматли сўзларингни айт-чи? — деб сўрабди.

Чумчуқ чолга жавобан:

— Ўтган ишга ҳеч қачон пушаймон бўлма, қўлга қиритишнинг мумкин бўлмаган нарсаси ҳаракат қилма, ақлинг бовар қилмайдиган ишга сира ишонма, — дебди.

Чол ўзича ўйлабди:

— Бунини еишдан кўра айтганини қилсам яхшироқ эмасми? — дебди чол ва чумчуқни қўйиб юборди. Чумчуқ учиб бориб деворга қўнибди.

— Агар ўз айтганигда туриб, мени сўйиб еганигда, ичмидан товук тухумидек бир гавхар чиқарди, — дебди чумчуқ.

Чол чумчуқни қўйиб юборганига қаттиқ пушаймон

(Давоми бор).

Азъамжон АЗИМОВ,
профессор, техника

фанлари номзоди.

(Давоми бор).



Тошкент тумани ички ишлар бўлимининг давлат автомобил назорати бўлинимаси ходимлари милиция майори Аҳмадхон Даминов (ўртада) ва қўриқлаш бўлими старшинаси Абдували Султонов ўз зиммаларига юклагилган вазиран сизидилдан бажармоқдалар. Улар автотранспорт ҳаракатини зийраклик билан кузатишади. Кўча ҳаракати қонун-қоидаларини бузувчилар уларнинг нигоҳидан четда қолмайди.

СУРАТДА: А. Даминов ва А. Султоновлар автомобил ҳайдовчилигининг ҳужжатларини кўздан кечиришмоқдалар.

Даврон Аҳмад олган сурат.

ҚАЙСАРЛИК

1936 йили Ноттингемдаги халқаро турнирда Решевский билан Файн учрашуви тўрт марта кечиктирилди. Вазият дурангдан ўзга натижа бермаслигини қаромат қилиб Решевский уйини давом эттирар, Файн эса бундан жигбайрон бўларди. Деярли ҳар бир юриш олдидан улар ўртасида мана шундай савол-жавоб бўларди:

— Уйнайверамизми?
— Бўлмасам-чи!
— Дурангга қўнамизми?
— Сираям-да!
— Кишт!!

Бу уйишда Файн 38 марта кишт берди. Ниҳоят баҳс дуранг билан тугади.

БЕЗ АЙТМАНГ...

Икки шохмотчининг уйинига учинчи биров аралашса, ишининг пачаваси чиқади.

Лекин, чойхона, клуб ва бошқа жойларда тўпланиб, кўнгилхушлик учун бўлаётган уйинларни томоша қилаётганларнинг қўлини «боглаб», оғизига «тўр» тутиб бўлармиди?! Эллик йилча бурун «Восток» чойхонасига келиб турадиган «ашаддий»



а б в г д е ф г Һ

Диаграммани ечиб кўринг: оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

шохмотчилар орасида каттароқ ёшдаги бир рус киши бўларди. Навбати келди дегунча дона терига тўшарди. Ҳар гал ўйин бошладан олдин у атрофдагиларни:

— Без айтманг, без айтманг, — деб такор-такор оғохлантирарди. Кейин билсам бу: «Айтиш йўқ», «айтиш йўқ» дегани экан.

Бу киши пайдо бўлиши билан ҳазилкаш дўстлари: «Ана, домла, «без айтманг» ҳам келиб қолдилар, деб ҳазил қилишарди.

ПИЁДАҲЎР

Хассис шохмотчининг уйинини томоша қилиб ўтиргандан бири иккинчисига:

— Ҳайрият, менга ҳам навбат келадида бўлди, — деди. — Нималар деяйсиз, дўстим? — сўради бамайлихотир, — яна бирпас дамингизни олутарасиз. Бу кишини билмас экансиз, мана қараб туринг. Бир юришда-ку мот, лекин у чеккадаги анави «савил» икки пиёда ни олмагунча қўнгли тинчимайди.

Худди шундай бўлди. Дарҳақиқат, кишининг феъл-атвори, шохмот уйинида ҳам намоён бўларкан...

Мамажон МУХИДДИНОВ.

Шохмот оламида

Рустам Шоймардонов:

«ЭНГ ЧИРОЙЛИ ГОЛ»

13 май кунин футбол бўйича Ўзбекистон 9-миллий чемпионатининг 12-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Уйингоҳларга 75 мингдан зиёд мухлислар ташриф буюришди. Дарвозаларга жами 31та тўп киритилди. 2та уйинда меҳмонларнинг, 6та уйинда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Иккита учрашув бир ҳил — 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Ушбу турдаги энг ийрик ҳисоб «Гулистон» — «Темирйўлчи» учрашувида қайд этилди — 6:0.

«КИМЕҒАР»нинг мағлубиятини ҳисобга олмаганда, 12-тур вилоятимиз вакиллари учун омадли бўлди. Бироқ «Семурғ»нинг меҳмони бўлган чирчиқлик футболчилар уйини 0:3 ҳисобида бой берганлари учун уларни айбаш инсофдан бўлмайди, албатта. Чунки, ангрениклар олий табақда биринчи мавсум тўп сураётган бўлсаларда, энг қучли жамоалар қатори чиройли ўйин кўрсатмоқдалар. Аввалги шарҳларимизда таъкидланганидек, уста тўпурар Неъматилла Қўттибоев жамоага катта наф келтирмоқда.

«Кимёгар» билан ўтган учрашувида ҳам у иккита тўп муаллифи бўлди.

Яна бир вакилимиз «Металлург» ҳам муҳим галабани кўлга киритди десак, муболага бўлмайди. Зеро, турнир жадвалида учинчи погонани эгаллаб турган «Самарканд-Д» жамоасидан ур очкони тортиб олиш ҳамма жамоаларнинг ҳам қўлидан келавермайди. Уйин тақди-

рини ҳал этган ягона тўпни 43-дақиқада Улуғбек Рузимов киритди.

«Пахтакор» — «Дўстлик» учрашуви хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Бу ерда гап вакилларимизнинг ийрик, яъни 4:1 ҳисобида галаба қозонганларига эмас. Биз жуда кўп қулай имкониятлар бой берилганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз, холос.

Чунки, дарвозага киритилмай қолган юз фоизли ягона тўп ҳам чемпионат якунидаги ҳисоб-китоб чоғида жамоани у ёки бу совриндан маҳрум қилиши мумкин.

Уйиннинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Ҳолбуки, кўп имкониятлар бўлган эди. Ҳужумчиларимиздан омад юз ўтирганини кўрган ҳимоячи Рустам Шоймардонов ташаббус кўрсатиб, 52-дақиқада уйинда бурилиш ясади. У ўз жарима майдони яқинида тўпни эгаллаб олиб, шиддат билан олға ташлади. Рақиб уйинчиларини бирма-бир орда қолдириб, «Пахтакор» дарвозасига яқинлашди ва чирой-

ли тўп киритиб, жамоадорларини руҳлантириб юборди. Шундан сўнг «Дўстлик»нинг ҳужуми янада қучайиб, шиддатли тус олди. 60-дақиқада Алишер Бозоров, 80-дақиқада Жаъфар Ирисметов ҳисобни 3:0га етказди. 83-дақиқада Игорь Шквинин ҳисобни биттага қисқартирди. Мухтор Курбоновнинг сўнгги дақиқада киритган тўпи уйинга нуқта қўйди. Шундай қилиб, «Дўстлик» жадвалнинг биринчи погонасидаги ўринини 29 очко билан янада мустаҳкамлаб олди.

Ун иккинчи турнинг қолган учрашувлари қўйидагича якунланди: «Хоразм» — «Нефчи» — 1:1; «Турон» — «Андижон» — 3:2; «Насаф» — «Бухоро» — 3:0; «Сурхон» — «Қизилқум» — 2:1; «Трактор» — «Зарафшон» — 0:1; «Сўғдиёна» — «Навбахор» — 1:1; «Гулистон» — «Темирйўлчи» — 6:0.

Навбатдаги 13-тур учрашувлари 21 май яқшанба кунини ўтказилади.

Талъат ЮСУПОВ.

Биринчи марта тиш чўтқаси ҳақидаги маълумот XVII асрнинг иккинчи ярмида Англия матбуотида тилга олинган эди. Тозалик ва соғлиқ учун совунни ишлатиш биринчи марта тарғиб қилган шахс — римлик машҳур шифокор Галлен бўлган. Тўхум деярли барча халқларнинг сеvimли таомии ҳисобланади. Унинг инсон саломатлиги учун аҳамияти ҳам каттадир. Тўхумнинг таркибидида моддалардан ҳабарингиз йўқдир? Унинг ўринини тўлдирмоқчимиз: битта тўхум таркиби урта ҳисобда 74 фоиз сув, 12 фоиз оқим, 11,4 фоиз ёғ, 0,49 фоиз қарбон сувлар ва 2,6 фоиз қорук моддалар (ҳар қил тўзлар)дан иборат. Аниқ ҳисобларга қараганда, 100 грамм тўхум 157,2 килотамм калория беради.

Об-ҳаво Об-ҳавонин кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларига, 17-21 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 16-21, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ бўлади. Давр ўрталарига бориб вилоятимизнинг айрим худудларида ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши эҳтимоли бор. Шу кунларнинг охирида ҳарорат бироз пасайиши, кечалари 10-15, кундуз кунлари эса, 21-26 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани «Хожу Убайдулло» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «ТЕХМАШУСКУНА» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Давволар эълон қилқан кундан бошлаб бир ой давомида «Қорасув-2», 23-уйда қабул қилинади.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят бўлими жамоаси Марказнинг Бекобод тумани бўлими раҳбари С. Собировга онаси **САЛОМАТ ая МИРЗАЕВАНING** вафот этганлиги муносабати билан чўкур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Маълумоти:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.